

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро суди 2024 йил октябрь ойининг 23 куни ўз биносида, очиқ суд мажлисида, видеоконференция алоқа режими тартибида, судья Ф.Р.Астанованинг раислигида, М.Гулмирзаеванинг котибалигида, даъвогар Зуфаров Зафар Гайрат ўғлининг жавобгар хусусий корхонасига нисбатан товар белгисига бўлган ҳуқуқни муддатидан олдин қисман тугатиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича -сонли фуқаролик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Даъвогар Зуфаров Зафар Гайрат ўғли судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини, шахсий брендини ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадида “Sofia” товар белгисини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Интеллектуал мулк маркази” давлат муассасасига 01.08.2024 йилда талабнома топширилганини, бироқ 19.09.2016 йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Интеллектуал мулк маркази” давлат муассасаси томонидан талабнома топширилган “Sofia” товар белгисига ўхшаш бўлган товар белгиси хусусий корхонасига 16,29,30,35-синлар учун ҳимоя берилганини, рўйхатдан ўтказиш учун талабнома берилган 30-синфи илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига халқаро рўйхатдан ўтказиш учун талабнома топширилган ТВ сўзли товар белгисига адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлганлиги учун муҳофаза ҳужжати берилмаслиги ҳақида 22.08.2024 йилда -сонли сўровнома хати берилганини,

хусусий корхонасига тегишли товар белгиси остида охириги уч йил давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 30-синф хамиртуруш маҳсулотларини фуқаролик муомаласига киритиш ҳаракатлари амалга оширилмаганлиги аниқланганини билдириб, жавобгар

хусусий корхонасига тегишли ТХХКнинг 16,29,30,35-синфлар бўйича муҳофазаланган товар белгисига доир гувоҳномани амал қилишини муддатидан олдин қисман, яъни 30-синфи кичик қисми, яъни хамиртуруш маҳсулотларига нисбатан тугатишни сўраган.

Суд мажлисида видеоконференция алоқа режими орқали ишироқ этган даъвогар Зуфаров Зафар Гайрат ўғли вакили Д.Худжанова даъво аризасини қўллаб-қувватлаб, ундаги важларни такрорлаб, даъво аризасини қаноатлантиришни сўради.

Суд мажлисида иштироқ этган жавобгар хусусий корхонаси вакили даъво аризасини қисман тан олишини, ҳақиқатдан ҳам хусусий корхонасига тегишли товар белгиси остида 30-синф хамиртуруш маҳсулотлари фуқаролик муомаласига киритилмаганини, аммо яқин 5-10 йил ичида ундан фойдаланиш режа

килинганини, шу сабабли мазкур товар белгисига бўлган ҳуқуқни муддатидан олдин тугатилишига қарши эканини, даъвогар билан ўзаро франшизинг шартномаси тузишлари мумкинлигини, шартномага асосан даъвогар ҳақ эвазига мазкур товар белгисидан фойдаланиши мумкинлигини, 30-синфдаги хамиртуруш маҳсулотларига бўлган мазкур товар белгисига нисбатан 2022 йилда

МЧЖга гувоҳнома берилганини, даъвогар мазкур ҳолатда товар белгисидан фойдалана олмаслигини билдириб, даъво аризасини қаноатлантиришдан рад қилишни сўради.

Суд мажлисида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вакили хусусий корхонаси томонидан 2016 йил 19 сентябрда товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома топширилганини, ушбу талабнома белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганини, хусусий корхонаси томонидан товар белгисидан фойдаланганлиги ҳақида бирор ҳужжат мавжуд бўлмаганлиги сабабли қонунчиликка мувофиқ товар белгисининг тегишли синфига бўлган гувоҳномани амал қилиши муддатидан олдин қисман тугатилишига сабаб бўлишини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги “Интеллектуал мулк маркази” давлат муассасаси вакили бугунги суд мажлисида иштирок этмади, аммо олдинги суд мажлисида иштирок этиб, Н.Буриев Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Интеллектуал мулк маркази» давлат муассасаси товар белгисини, товар келиб чиққан жой номини, товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатга олишга доир талабномалар юзасидан давлат экспертизасини ўтказишини, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома юридик ёки жисмоний шахс томонидан Адлия Вазирлигига давлат ахборот тизимлари орқали берилишини билдирди. Суд ишни Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 220-моддасига асосан “Интеллектуал мулк маркази” давлат муассасаси вакили иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлик кўмитасидан вакили суд мажлисида иштирок этмади. Суд ишни Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 220-моддасига асосан кўмита вакили иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини тинглаб, фукаролик иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра, даъво аризасини қаноатлантиришни лозим топди.

Судда аниқланишича, хусусий корхонаси томонидан 2015 йил 14 июлда товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома топширилган. Талабнома 19.09.2016 йилда рўйхатдан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддасига кўра, товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилиши товар белгиси амал қилган охиригача уч йил мобайнида ундан узлуксиз равишда фойдаланилмаганда, шунингдек жамоавий белгидан фойдаланиш тўғрисидаги келишув бузилган тақдирда манфаатдор шахснинг аризасига биноан қабул

килинган суд қарори асосида муддатидан олдин тўлиқ ёки қисман тугатилиши мумкин. Товар белгисига доир гувоҳноманинг амал қилишини ундан фойдаланилмаганлиги муносабати билан муддатидан олдин тугатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилаётганда товар белгисининг эгаси томонидан тақдим этилган унга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра товар белгисидан фойдаланилмаганлигини исботловчи далиллар эътиборга олиниши мумкин.

Товар белгисининг мазкур Қонуннинг 27-моддасида назарда тутилган ҳолда ишлатилиши товар белгисидан фойдаланилганлигига доир далил ҳисобланади. Товар белгисининг эгаси томонидан тақдим этиладиган, товар белгисидан фойдаланилганлигига доир далиллар аризада кўрсатилган вақт даврига тааллуқли бўлиши керак.

Суд юқоридаги қонун талабларидан ҳамда иш ҳолатларидан келиб чиқиб, хусусий корхонаси товар белгиси остида охириги уч йил давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 30-синф хамиртуруш маҳсулотларини фуқаролик муомаласига киритилганлиги ҳақида бирор далил келтирилмаганлиги, товар белгиси остида 30-синф хамиртуруш маҳсулотларини ишлаб чиқариш рўйхатдан ўтказилгандан бугунги кунга қадар амалга оширилмаганлиги, товар белгисининг эгаси томонидан унга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра товар белгисидан фойдаланилмаганлигини исботловчи далиллар тақдим қилинмаганини инобатга олиб, даъво аризасини қаноатлантиришни, хусусий корхонаси товар белгисига доир гувоҳномани амал қилишини муддатидан олдин қисман, яъни 30-синфи кичик қисми бўлган хамиртуруш маҳсулотларига нисбатан тугатишни лозим топади

Суд даъвогарнинг даъво аризасини қаноатлантирганлиги сабабли даъвогар томонидан судга даъво аризаси тўланган 34.000 сўм почта харажатларини жавобгардан даъвогар фойдасига ундиришни, шунингдек жавобгардан давлат фойдасига 680.000 сўм давлат божи, суд депозитига 93.750 сўм видеоконференция алоқа режими учун ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 249-251-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

Даъвогар Зуфаров Зафар Гайрат ўғлининг жавобгар хусусий корхонасига нисбатан товар белгисига бўлган ҳуқуқни муддатидан олдин қисман тугатиш ҳақидаги даъво аризаси қаноатлантирилсин.

Жавобгар хусусий корхонасига тегишли товар белгисига доир гувоҳноманининг қисман, яъни 30-синфи кичик қисми бўлган хамиртуруш маҳсулотларига нисбатан амал қилиши муддатидан олдин тугатилсин.

Жавобгар хусусий корхонасидан даъвогар Зуфаров Зафар Гайрат ўғли фойдасига 34.000 сўм почта харажатлари ундирилсин.

Жавобгар хусусий корхонасидан давлат фойдасига 680.000 сўм давлат божи ундирилсин.

Жавобгар хусусий корхонасидан суд депозитига
видеоконференция алоқа режими учун 93.750 сўм ундирилсин.

Ҳал қилув қарори устидан қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ой ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида ёки қонуний кучга кирган ва апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарори устидан у қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичида кассация тартибида шикоят берилиши ёхуд прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик килувчи
Нусхаси аслига тўғри

Ф.Р.Астанова

